## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 929-ҳадис

929 – وَعَنِ القَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ قَالَ: قَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا: وَارَأْسَاهُ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ: «بَلْ أَنَا وَارَأْسَاهُ»، وَذَكَرَ الحَدِيثَ. رَوَاهُ البُخَارِيُّ [5666].

929. Қосим ибн Муҳаммаддан ривоят қилинади. Оиша розияллоҳу анҳо: «Вой бошим», дегандилар, (Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розияллоҳу анҳога ёқтирмайдиган бир сўз айтдилар. Оиша розияллоҳу анҳо эса бу айтган сўзларига эътироз билдирганларидан кейин) Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**«Йўқ, «Вой бошим»**, (дейдиган) **мен**», деб, ҳадиснинг қолганини зикр қилдилар.